


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● www.xs.uz ● E-mail: info@xs.uz ● 2019 йил 20 ноябрь, № 240 (7470) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ИНФЛЯЦИОН ТАРГЕТЛАШ РЕЖИМИГА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЎТИШ ОРҚАЛИ ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Инфляция даражасини янада пасайтириш борасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва барқарор иқтисодий ўсиш учун шароитлар яратишга қаратилган иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Халқаро тажриба бозор иқтисодиёти шароитида пул-кредит сиёсатини юритишнинг самарали усулларидан бири инфляцион таргетлаш режими эканлигини кўрсатмоқда, бунда пул-кредит бозоридаги марказий банкнинг фаол иштироки, шунингдек, иқтисодий ривожланишнинг мунтазам таҳлили ва давлат сиёсати режаларининг кенг ёритиб борилиши инфляциянинг миқдорий мақсадларига эришишни таъминлайди.

Шу билан бирга, инфляцион таргетлаш режимини жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Вазирлар Маҳкамасининг қуйидаги йўналишларга қаратилган мувофиқлаштирилган тайёргарлик ишларини талаб этади:

инфляциянинг номонетар омиллари ролини босқичма-босқич пасайтириш, шу жумладан, тарифларни тартибга солишни ислоҳ қилиш, иқтисодиётнинг реал секторида таркибий иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш ва ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш;

Марказий банкнинг макроиқтисодий таҳлил ва коммуникация сиёсати сифатини ошириш;

регуляторнинг кредит бозорига самарали таъсир этишини таъминлаб берувчи, пул бозорини тартибга солишнинг янги инструментларини жорий этиш.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизмлари ва инструментларини қўллашни кенгайтириш, шунингдек, пул-кредит сиёсати самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки **инфляция даражасини 2021 йилда 10 фоизгача пасайтириш ҳамда 2023 йилда 5 фоиз даражадаги доимий инфляцион мақсадни (таргет) ўрнатиш йўли билан** 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб пул-кредит сиёсати механизмларини босқичма-босқич **инфляцион таргетлаш** режимига ўтказишни таъминласин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг асосий тамойиллари этиб белгилансин:

инфляциянинг доимий амал қиладиган мақсадини белгилаш ва уни кенг жамоатчиликка етказиш;

пул бозоридаги фоиз ставкаларини тартибга солиш ва инфляцион жараёнларни бошқариш мақсадида пул-кредит сиёсатининг кенг қамровли инструментларини қўллаш;

пул-кредит сиёсати соҳасида объектив қарорлар қабул қилиш мақсадида ички ва ташқи бозорларда мавжуд бўлган очиқ маълумотларни ҳисобга олган ҳолда батафсил макроиқтисодий таҳлил ва прогнозларни амалга ошириш;

пул-кредит сиёсати мақсадларини кенг жамоатчилика етказиш, макроиқтисодий ҳолатнинг олдиндан кўра билинишини таъминлаш ва бозор иштирокчилари ишончини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коммуникация сиёсатини такомиллаштириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банки инфляцион таргетлаш режимига тўлиқ ўтиш учун шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласин, хусусан:

мувофиқлаштирилган монетар-фискаль ва монополияга қарши сиёсат юритиш;

рақобатдош бозор иқтисодиётига ўтишни тезлаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини ошириш ҳамда товарлар ва хизматларнинг тўлақонли бозорларини шакллантириш орқали иқтисодиёт тармоқларида таркибий ислоҳотларни амалга оширишни давом эттириш;

(Давоми 3-бетда).

# 1000 ГА ЯҚИН КОРХОНАЛАРДАН 10000 ДАН ЗИЁД МАҲСУЛОТЛАР

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» МАЖМУАСИДА БЎЛИБ ЎТАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ ЯРМАРКАСИ ВА КООПЕРАЦИЯ БИРЖАСИДА НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА




Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар кўмагида ташкил этилган мазкур тадбирда республикамиздаги мингга яқин саноат корхоналари 10 мингдан ортиқ маҳсулотлари билан қатнашяпти.

— Юртимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган катта эътибор берилаётгани ва унинг самарасини мазкур тадбирдан ҳам англаш қийин эмас, — дейди Савдо-саноат палатаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Қобилжон Жамолов. — Чунки бу ерда намойиш этилаётган маҳсулотлар тури жуда кўп. Ички ва ташқи бозор талабларига жавоб беради. Хусусан, вилоятимиз мисолида айтадиган бўлсак, жорий йилда ишбилармонларимиз томонидан 26 турдаги маҳсулотни экспорт қилиш йўлга қўйилди. 20 турга яқин янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Дарҳақиқат, тадбир доирасида Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида Электрон кооперация биржаси портали (www.cooperation.uz) ятатилгани айни муддао бўлди. Чунки мазкур порталдан саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналари билан танишиш, нархларидан боха-бар бўлиш, шартнома расмийлаштириш каби қулай имкониятлар мавжуд. Портал, шунингдек, статистика, божхона, солиқ, сертификатлаштириш каби идораларнинг маълумотлар базаси билан интеграциялаштирилгани туфайли хўжалик юритувчи субъектлар ўзларига ҳамкор топиши, маҳсулот етказиб бериш ёки сотиб олишлари мумкин. Маълумотларга қараганда, ҳозиргача мазкур порталга 11 мингга яқин корхоналар ўз маҳсулотларини жойлаштирган.

Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси нафақат янги ва инновацион маҳсулотлар, балки шундай қулайликлари билан ҳам иштирокчилар қизиқишини оширмоқда.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

## САЙЛОВ — 2019

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Ўзбекистон “Адолат” СДП номидан “Номзодлар сайловолди дастуридаги ғоялар атрофида бирлашди” сарлавҳали саҳифа эълон қилинмоқда.**

2-саҳифага қаранг.

## ФРАНЦИЯДА ЮРТДОШЛАРИМИЗ ЎРТАСИДА САЙЛОВ ТАРҒИБОТИ ҚАНДАЙ КЕТМОҚДА?

*Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар рўйхатидан чиқариш, парламент қуйи палатаси депутати А. Қиргизбоевнинг ваколатини муддатидан олдин тугатиш, Франция Республикасида очилган сайлов участкалари фаолиятини ташкил этиш каби масалалар кўриб чиқилди.*

МСК Раиси М. Абдусаломов таъкидлаганидек, Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Эндиликда мамлакатимиз фуқаролари ўзлари муносиб, деб билган номзодларга овоз берадн ва уларни депутат этиб сайлайди.

Сайлов кодексига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатган сиёсий партия у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан уч беш кун қолганида бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳакда сиёсий партия белгиланган тартибда МСКга мурожаат этиши мумкин.

Йиғилишда Ўзбекистон Экологик партияси томонидан 79-Жарқўрғон сайлов округидан номзод этиб кўрсатилган С. Халиковни, Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан 4-Амударё сайлов округидан номзод этиб кўрсатилган З. Зиядуллаевни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар рўйхатидан чиқариш тўғрисидаги мурожаатлари кўриб чиқилиб, қаноатлантирилди.

Шунингдек, қуйи палата депутати А. Қиргизбоев Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаменти мудири этиб тайинланганлиги муносабати билан ўз аризасига мувофиқ, унинг депутатлик ваколатини муддатидан илгари тугатиш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилиб, қарор бир овоздан маъқулланди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган мажлисда Франция Республикасида очилган сайлов участкалари фаолиятини ташкил этиш юзасидан мамлакатимизнинг Франциядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сардор Рустамбоев билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатилди.

С. Рустамбоевнинг айтишича, Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги дипломатик ваколатхонаси ва консуллик муассасаларида 398 нафар фуқаро доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтган бўлиб, улар ўртасида сайлов тарғиботига доир учрашувлар ўтказиляпти. Сайлов участкаси тузилиб, фуқаролар учун зарур шароит яратилган. Элчихона томонидан мазкур сиёсий жараёнларда иштирок этиш истагини билдирган фуқаролар, яъни сайловчиларнинг рўйхатини тузиш бошланган.

Шу билан бирга, мажлисда Халқаро матбуот марказида Қашқадарё вилояти бўлимининг сайлов жараёнига тайёргарлиги ҳақидаги ахборoти тингланди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

# ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ИККИНЧИ ЎҚИШГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

*Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталар, ишчи гуруҳларида **“2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш** юзасидан фаол муҳокамалар бўлиб ўтмоқда.*

Аввал хабар берилганидек, парламент қуйи палатаси мажлисида депутатлар мазкур қонун лойиҳасининг концептуал жиҳатдан биринчи ўқишда маъқуллаган ва барча сиёсий партияларнинг фракциялари ўз позициясини билдирган эди.

Ҳукумат ҳамда парламент қуйи палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси олдига лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш доирасида уни кенг муҳокама қилиш, депутатлар томонидан билдирилган таклифларни кўриб чиқиш вазифаси қўйилганди.

Шундай қилиб, Вазирлар Маҳкамаси вакиллари ва экспертлар иштирокидаги Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг йиғилишида қонун лойиҳаси моддама-модда кўриб чиқилди. Уни такомиллаштиришга йўналтирилган аниқ фикрлар билдирилди.

Қонун лойиҳасидаги “Парламент ажратмалари” тушунчаси матндан чиқариб ташланиши кўзда тутилмоқда. Олий Мажлис қошидаги Давлат бюджети бошқармаси мутахассисларининг қайд этишича, бу хорижий мамлакатлар қонунчилигида кам учрайди. Шундан келиб чиқиб, мазкур тушунча “Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар” билан алмаштирилмоқда.

Бундан ташқари, парламент аъзолари республика бюджетидан ажратиладиган маблағларга ўзгартириш киритиш тартибига аниқлик киритиш зарурати юзасидан бир тўхтамга келишди. Жумладан, ҳукуматга 10 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда бюджет маблағларини вазирликлар ва идоралар ўртасида тақсимлаш ҳуқуқи берилади. 10 фоиз ва ундан ортиқ миқдор бўлганида эса, Олий Мажлис палаталари ушбу жараённи амалга оширади.

Шунингдек, депутатлар қонун лойиҳасининг 12-моддасини “парламент республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорларини тасдиқлайди” деган норма билан тўлдиришни таклиф этмоқда.

Маҳаллий бюджетларнинг шаклланишида ва уларнинг даромадлари тақсимланишида, қўшимча маблағларнинг сарфланишида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ваколатларига тааллуқли нормаларга аниқликлар киритилмоқда. Депутатларнинг таклиф этишича, маҳаллий ҳокимликларнинг таклифлари юзасидан маҳаллий бюджетнинг 10 фоиздан кам бўлмаган қўшимча даромадлари ижтимоий соҳа ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилади.

Қолаверса, жорий йил 14 ноябрда ўтказилган қуйи палата мажлисида депутатлар томонидан қатор аниқ таклифлар билдирилган эди. Эътиборлисиси, қўмиталар, ишчи гуруҳларида кечаётган қизғин муҳокамаларда шу таклиф ва фикр-мулоҳазалар ҳар томонлама ўрганилиб, уларнинг аксарияти инобатга олинмоқда.

Жумладан, депутат Феруза Эшматова томонидан қонун лойиҳасида 2020 йилдан бошлаб, маҳаллий Кенгашларга бюджетларни шакллантириш ва қабул қилишда тўлиқ мустақиллик берилиши қўллаб-қувватланган ҳолда, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами учун қонун ҳужжатларида белгиланган тадбирлар, хусусан, маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан тайинланаётган нафақалар, беморларга бериладиган ордерлар реал талабга мутаносиб бўлиши учун зарур маблағ ўз вақтида, тўлиқ молиялаштирилишини ким кафолатлаб беришига ойдинлик киритиш лозимлиги қайд этилган эди.

3

## БАҒРИКЕНГЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИДИР

*Ўзбекистон Фанлар академиясида “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда “Бағрикенглик ва инсонпарварликни ривожлантириш — Ўзбекистон давлат сиёсатининг муҳим устуворлиги” мавзуида семинар ўтказилди.*

### Семинар

Бағрикенгликни кунига бағишлаб ташкил этилган ушбу тадбирда Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Фридрих Эберт номидаги халқаро жамғармаининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси вакиллари, олимлар, социологлар, экспертлар, профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчилар қатнашди.

Тадбирда Ўзбекистонда миллатлараро ва диний конфессиялар ўртасидаги ўзаро тотувликни таъминлаш борасидаги ишлар муҳокама қилинди.

3

# ОИЛАДАГИ ЖИНОЯТГА ЖИМ ҚАРАБ ТУРОЛМАЙМИЗ



*Сўнгги йилларда мамлакатимиз ҳаётида катта ўзгаришлар юз бермоқда. Президентимиз юритаётган одилона сиёсат бош мезони, аввало, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш экани юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга хизмат қилаётир. Бунга ҳаммамиз гувоҳмиз.*

*Таъкидлаш жоизки, жаҳонда Ўзбекистоннинг халқаро имижи юксалиб бораркан, давлатимиз юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишлари халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилади, тактик ва стратегик аҳамиятга молик ташқи сиёсий масалаларда бизга хайрихоҳ бўлганлар сафи кенгаяди, жамиятни модернизациялаш ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатимиз қўллаб-қувватланади ҳамда инвестиция муҳити янада яхшиланади.*

### Мушоҳада

Шу ўринда мамлакат имижини белгиловчи, унинг дунё рейтингидаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган яна бир муҳим жиҳат борлигини унутмаслик даркор, бу — хавфсизлик масаласи. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, шубҳасиз, давлатимизнинг энг катта ютуғидир. Тинч жойга доим интилиш, қизиқиш кучаяди, ҳавас ортади. Шу боис ҳам дунёга машҳур “Gallup” компаниясининг америкалик тадқиқотчилари томонидан тақдим этилган, 142 мамлакат фуқаролари орасида ўтказилган “Global Law and Order” рейтингида маҳаллий аҳоли ўзини қанчалик хавфсиз ҳис қилиши, ички ишлар органлари фаолияти, ёлғиз сайр қилиш вақтидаги хавфсизлик ҳисси ва жиноятчилик кўрсаткичига доир сўровномалар асосида Ўзбекистон 5-ўринни эгаллади. Бундан ҳар қанча фахрланса арзийди.

| Жорий йилнинг ўтган даврида |
|---|
| 4 518 маҳаллада жиноят содир этилмади. |
| Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида |
| 3 053 та эди. |

Аммо айрим ҳудудларда жиноятчилик билан боғлиқ ҳолатлар ўсиб бораётгани, қотиллик, ўғрилик, фирибгарлик, зўравонлик синтари иллатлар ортаётгани юқтиримизга соя солаётганини ҳам инкор этолмаймиз.

### Ташвиш ва хавотиримиз бежиз эмас

Аслида оилаларда, маҳаллаларимизда олиб борилаётган кенг кўламли маърифий ишларга қарамасдан, одамлар орасида меҳроқибат, ҳамжиҳатлик йўқолиб, ўзаро муносабатларга манфаат, тама аралашаётгани, ўз боласи тарбиясига лоқайд ота-оналар кўпайиб бораётгани, айрим оилаларда ота мақоми пасайиб кетгани, жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳамда мулкий можаролар сони кўпаяётгани шу заминда яшаб турган ҳар бир инсонни ўйлантириши, ташвишга солиши даркор.

Маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 10 ойи давомида оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги учун профилактик ҳисобга олинган шахслар республикамиз бўйича 11847 нафарни ташкил этиб, мазкур кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан 1115 тага камайган бўлса-да, ноқобил шахслар сони Андижон, Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳамон юқорилигича қолмоқда.

Ота-оналикнинг юки, масъулияти оғир, дейишади. Бу — бола туғилиб, уни соғлом ўстириш, яхши едириш ёки кийинтириш машаққатидан айтилган гап эмас. Бу юк, масъулият залворини — ота-онанинг фарзандига муносиб тарбия бермоғи, ўзи намуна бўлиб, уни маънавий етук инсон қилиб улғайтирмоғи шартлигини англатади.

3

# НОМЗОДЛАР САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАГИ ҒОЯЛАР АТРОФИДА БИРЛАШДИ

**Ўзбекистон “Адолат” СДП “Янги Ўзбекистон. Янги сайловлар” шиори остида шу йил 22 декабрда бўлиб ўтадиган сайловларга бугунги кундаги ислоҳотлар билан ҳамнафас бўла оладиган, республикамиз барча аҳолиси, шу жумладан, олис қишлоқлардаги одамлар манфаатларини акс эттирган ҳаётий ва халқчил сайловолди дастури билан кириб келмоқда.**

**Кенг жамоатчилик муҳокамаси асосида такомилга етказилиб, тасдиқланган партия сайловолди дастури ҳаётий муҳим масалаларни қамраб олгани билан аҳамиятли. Ундаги ғоялар кўплаб сайловчиларнинг дилидаги истаклардан таркиб топган. Партиядан депутатликка қўйилган номзодлар сайловолди дастуримиздан келиб чиқиб, ўз дастурларини тузади ва халққа тақдим этади.**

**Дарҳақиқат, номзодларимиз долзарб сиёсий жараёнга киришар экан, ўз олдига мақсад қўйишда сайловолди дастуримизга таянади. Аммо, айтиш керакки, ҳар бир номзодимизнинг ўз нуқтаи назари, ўз сўзи бор. Фикрлар фарқланиши табиий. Бинобарин, сайлов саҳнасида асосий жозибадорлик сири ҳам ана шунда.**

**Ҳозир “Адолат” СДПдан кўрсатилган номзодлар ана шу турфа хил, такрорланмас, халқ кутган ғояларини омма орасида кенг ёймоқдалар. Ҳар бир сайловчи бу фикрлар билан танишиб, ўзига керакли хулосани чиқаради.**

## Ҳар бир қалб адолат истайди

**Бахтиёр ИБРОҲИМОВ, Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши марказий аппарати юрист-консульти:**



— Суд-ҳуқуқ соҳасида жадал ислоҳотлар олиб борилаётган бугунги кунда судларнинг ҳақиқий мустақиллигига эришиш, одил ва шаффоф судлов тизими ўрнатилиши учун жиддий ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, партиямиз ўзининг сайловолди дастурида суд-ҳуқуқ соҳасига доир қатор ғоя ва таклифларни акс эттирган.

Яхши маълумки, мамлакатда коррупция тизимини бутунлай қўпориб ташламай туриб, тўлиқ адолат ўрнатиб бўлмайди. Шу боисдан партия ўз олдига дастурий мақсад сифатида коррупциянинг илдизини қуритиб, сўнгра барчага манзур бўлган адолатли жамиятни барпо этиш мақсадини қўймоқда. Бу борада тинимсиз кураш олиб бориб, ўз ғоя ва мақсадларини қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг ишончини қозонишга интилмоқда. Зеро, жамиятда адолатни ўрнатиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинадиган тизим барчага бирдек ёқади. Бу тизимни ўрнатиш учун эса партиямиз ғоялари бутун мамлакатимиз фуқаролари томонидан қўллаб-қувватланиши керак! Шундагина одамлар хоҳлайдиган, уларнинг қалбидаги қувончни ёрқин ифодалайдиган давлат ва жамият барпо этамиз. Зеро, адолатни ҳар бир қалб хоҳлайди!

Ўз олдига ана шундай юксак мақсадни қўйган партиямиз ҳуқуқий-ижтимоий давлатни шакллантириш йўлидан дадил одимлайверади. Мамлакатда олиб борилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг янада самарали ва халқчил бўлиши учун бир мушт бўлиб бирлашади. Одамларнинг ҳуқуқий дунёқарашини кенгайтиришга интилиб, коррупция деган иллатга барчанинг нафрат кўзи билан боқишига эришади. Бу йўлда мудом адолат бирламчи восита ва маънавий қурол бўлади.

Истардикки, юртимизда умргузаронлик қилаётган фуқароларимиз ҳуқуқий ижтимоий давлат барпо этилишида ўзларининг бу жараёнга дахлдор эканликларини чуқур ҳис этиб, лоқайд қарамасликлари, ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, аввало, ўзларидан бошлашлари жуда муҳим. Бу эса Ўзбекистон “Адолат” СДП ўз олдига улуғ мақсад сифатида қўйган ҳуқуқий-демократик давлатни тез қарор топтириш имконини беради.

Афсуски, юртимизда фуқаролар ўртасида ҳуқуқий онг ва ўз ҳуқуқини таниб, уни ҳимоя қилиш ҳали тўлиқ шаклланиб улгурган эмас. Ўз ҳуқуқини билмаслик, уни яхши танимаслик жамиятда айрим фуқароларнинг ўзгалар тарафидан жабр кўришига олиб келмоқда. Ўзбекистон “Адолат” СДП айнан шулардан келиб чиқиб, жамиятда учраётган ҳақсизликларни бартараф этиш, ҳуқуқий маданият ва онгни ўстиришда фуқароларимизга яқиндан кўмак бериш чора-тадбирларини кўради. Бу бўйича янги қонунлар ишлаб чиқиб, уни ҳаётга татбиқ этади.

## Биз «Электрон парламент» тарафдоримиз

**Абдуғани УМИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Бугун ҳаётимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қила олмаймиз. Ҳозир дунёнинг энг тараққий этган давлатлари иқтисодиёти табиий ресурслар ҳисобига эмас, балки “ақлли” технология ҳисобига юқори натижага эришмоқда. Бунга Сингапур, Япония, Жанубий Корея каби давлатларни мисол қилиб келтиришнинг ўзи кифоядир.

Мамлакатимиз сиёсий майдонида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлган Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ҳам жамиятимизнинг муҳим тармоқларига илғор, янги технологияларни жорий этишни устувор вазифа сифатида илгари сурмоқда.

Хусусан, партия “ақлли”, инновацион технологияларга асосланган



иқтисодиёт — мамлакат қудратининг ошиши, халқ фаровонлиги, ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва Ўзбекистоннинг барқарор сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ривожланиши асоси, деб ҳисоблайди. Партиямиз ушбу соҳадаги лойиҳаларга давлат ресурслари билан бирга, хусусий сектор ва аҳоли маблағларини жалб қилишнинг самарали механизмларини жорий қилиш таклифини илгари сурмоқда.

Илмий-инновацион фаолиятни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш учун қулай шароитни яратиш бўйича давлат инновацион сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз. Рақамли технологиялар базасида иқтисодиётнинг барча соҳасини янгилашни кўзловчи “Рақамли Ўзбекистон — 2030” Миллий дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш устувор вазифаларимиздан саналади. Бу иқтисодиёт қувватларининг “ёруғлик”ка чиқиши ва кучайиши ҳисобига мамлакат ялпи ички маҳсулоти 30 фоиз ошишини таъминлашга имкон беради.

Шунингдек, давлат бошқарувида “Электрон парламент” мақсадли дастурини амалга оширишда давом этиш, фуқаролар ва барча даражадаги вакиллик органлари орасида доимий мулоқот ва алоқаларни кенгайтириш тарафдоримиз.

Замонавий технологияларни яратиш ва амалиётга татбиқ қилиш учун, албатта, кучли таълим тизими ва салоҳиятли кадрлар зарур. Шундан келиб чиқиб, биз таълим тизимининг барча босқичига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, олий таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган тизимли ишларни давом эттириш, ОТМларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни илғор ўқув-илмий лаборатория ва АКТ воситалари билан таъминлаш, халқаро таълим стандартларига асосланган ўқув-услубий материаллар ва ўқув дастурлари, етакчи педагогик технологияларни ўқув жараёнига кенг жорий қилиш пайидан бўламиз.

Аҳолининг олий таълимга бўлган талабини ҳисобга олиб, масофавий таълимни онлайн тартибда интернет тармоғи орқали барча жойда жорий қилиш учун қонунчилик базасини ишлаб чиқиш ҳам бугунги кун талабидир.

Қолаверса, ҳозирги ахборотлашув жараёнида илғор технологиялар очиқлик, ошкоралик, шаффофликни таъминлашнинг самарали воситасидир. Ошкоралик, мулоқот, қонун устуворлиги, бағрикенглик, масъулият, очиқлик — эркин жамиятга тааллуқли тушунчалар ҳисобланади. Биз ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эркин ифода этиш ва ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш орқали фуқароларнинг демократик жараёнлардаги, жамият ва давлатни бошқаришдаги иштирокини таъминлашни зарур, деб биламиз.

Умуман, инновацион, “ақлли” технологияларни ҳаётимизнинг барча жабҳасига татбиқ қилиш бугунги куннинг муҳим шарти ва талабидир.

## Тиббиёт соҳаси ривожини қуйидан бошлаш лозим

**Зуҳра ИБРАГИМОВА, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси:**



— Ҳудудларда ўтказаётган учрашувлар ҳамда ўрганишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ҳали талайгина муаммолар ўз ечимини кутиб турибди.

Сўнгги пайтларда тиббиёт муассасаларимиз кўплаб замонавий тиббий ускуналар билан таъминланди. Айниқса, туман ва қишлоқ врачлик пунктларига хориждан тиббий жиҳозлар олиб келиняпти. Бу қувонарли ҳол, албатта. Аммо улар билан ишлайдиган малакали кадрлар етарли эмас. Тўғри, шаҳарлардаги марказий касалхоналар, оилавий поликлиникаларда аҳолига хизмат кўрсатиш борасида сезиларли ўзгаришлар бор. Лекин қишлоқларда махсус ускуналарда маҳорат билан ишлайдиган мутахассислар сони оз. Бунга сабаб тиббиёт ходимларига етарлича шарт-шароитлар яратилмаганидир. Сўнгги вақтларда тиббиёт соҳасида фаолият юритаётган ходимлар иш ҳақи бир неча бор оширилди, шифокорлар маоши яхшиланди-ю, аммо тиббиёт ҳамширалари, таҳлил бўлимларида ишловчи ўрта тоифа ходимлар иш ҳақи пастлигича қолмоқда.

Давлат ижтимоий сиёсатининг энг муҳим йўналишлари, барқарор ривожланиш омилларидан бири, бу аҳолига кафолатланган сифатли тиббий хизмат кўрсатиш билан бирга, оналар ва болалар саломатлигини самарали муҳофаза қилишдан иборат.

Маълумки, бутун республикамиз бўйлаб кўплаб скрининг марказлари ташкил этилди. Илгари ҳомиладор аёллар скринингдан ўтиш учун бундай марказларга узоқ йўл босиб боришларига тўғри келган бўлса, бугун деярли ҳар бир вилоят марказида скрининг хоналари мавжуд. Лекин бу борада ҳам камчиликлар йўқ эмас.

Статистик маълумотларга кўра, ҳар йили мамлакатимизда 4800 нафар чақалоқ юрак етишмовчилиги касаллиги билан туғилиб, уларнинг атиги 1800 нафари юртимизнинг ўзида операция қилинади. Бу жуда оз кўрсаткич. Ўзингиз ўйлаб кўринг, шунча скрининг маркази очилса-ю, лекин ҳомила патологияси ўз вақтида аниқланиб, керакли даво чораси қўлланилмаса, бу саъй-ҳаракатлар бесамар кетмайдими?

Яна бир масалага эътиборингизни қаратишни истардик. Аёллар, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш баробарида, эркаклар саломатлигини ҳам яхшилашга урғу бериш кераклигини таъкидламоқчимиз. Юртимизда яшовчи 30 — 60 ёшдаги эркаклар биринчи бўғин, яъни оилавий поликлиникага ташриф буюравермайди. Афсуски, қандайдир хасталик уларни оёқдан йиқитганидан сўнг ёки оғриқ безовта қилсагина, шифокорга боришади. Аслида профилактика ишларини ана шу ёш чегарасидаги эркаклар орасида ҳам мунтазам ўтказиб бориш даркор.

Партия соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантириш ва давлат секторини мустаҳкамлаш, юқори малакали хорижий мутахассислар сони ҳамда инвестицияларни кўпайтириш, кадрлар малакасини ошириш ва тайёрлаш самарали тизимини шакллантириш, тиббиёт туризми ва тиббий хизматлар экспортини ривожлантиришга ўз кучларини йўналтиради.

Бизнинг устувор мақсадимиз — мамлакатда замонавий асбоб-ускуна ва малакали кадрларга асосланган тез тиббий ёрдам хизматини шакллантиришдан иборат.

## Юрт тараққиёти таълим равнақига боғлиқ

**Шаҳноза ҒАНИЕВА, Фарғона шаҳридаги “Ибратли Бегим” нодавлат таълим муассасаси раҳбари:**



— Партиянинг сайловолди дастурида таълим тизими, хусусан, мактабгача таълим, умумтаълим мактаби ва олий таълим тизимида қилиниши керак бўлган вазифалар қайд этилган. Жумладан, узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматига эга бўлиш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш тарафдори эканлиги таъкидланган. Дастурда мактабгача таълим даргоҳлари тизимини кенгайтириш ва уларда болалар ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитни тубдан яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар, болаларни мактабгача таълимга қамраб олишни сезиларли равишда ошириш ҳамда педагог ва мутахассисларнинг малакаси даражасини яхшилашни қўллаш масаласи илгари сурилган. Боғча ёшдаги болалар қобилиятини психологлар ёрдамида аниқлаб, уларни махсус ихтисослаштирилган синфларда ўқитишни ташкил этиш айтиб ўтилган. Албатта, боланинг илк ривожланиши боғчадан бошланади. Мактабгача таълим тизимида билим ва тарбия олган бола умумтаълим мактабига борган кундан бошлаб унинг савияси шаклланади, тушунчалари бойиб боради. Дастурда умумий ўрта таълим сифатини тубдан яхшилаш, болалар спорти ҳамда мусиқа, санъат мактаблари мавжуд объектларини реконструкция қилиш, янги биноларни қуриш, болаларни спортга жалб қилиш, уларни мусиқа ва санъатга қизиқтириш, аҳолининг мутолаа маданиятини кучайтириш каби масалалар алоҳида эътиборга олинган.

Болаларда ватанпарварлик туйғулари мактабгача ва мактаб таълимида шаклланади. Шу боис ҳам мактабларда болаларда ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш, лидерлик қобилиятини ўстириш ва уларни жамият тараққиётига мос ҳолда тарбиялаш муҳим вазифамиздир. Дастурда мактаб ўқувчиларида ватанпарварлик, лидерлик қобилиятларини ўстириш мақсадида уч тоифали (масалан, ёш табиатшунос, ёш ватанпарвар, ёш Темурчи каби) даражалар бериш амалиёти йўлга қўйилиши ҳам кўзда тутилганки, бу эса болаларда ватанпарварлик ҳиссини оширишда муҳим омил саналади.

Мактабларда “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун ижросининг тиббий хизматга доир қисми тўлиқ ижро этилмаяпти. Яъни уларда тиббий хизмат етарли даражада йўлга қўйилмаган. Шундан келиб чиқиб, партия ҳар бир мактабда тиббиёт хонаси, тиббий дори-дармонлар, малакали тиббиёт ходими узлуксиз ишлашини таъминлашга алоҳида эътибор қаратади.

Бугун умумтаълим мактабларида таълим олаётган болажонларнинг аксариятида кариес касаллиги кўпайган, сколиоз ва ясси оёқлик ҳолатлари ҳам кўп. Уларнинг олдини олишнинг бирдан-бир йўли мактабларда сифатли тиббий хизматни, шу жумладан, болалар стоматологияси хизматини йўлга қўйишдан иборатдир. Партия бу борада ўз сайловолди платформасида аниқ вазифаларни белгилаб олган.

Шунингдек, дастурда ёшларни ватанпарварлик ва истиқлол руҳида тарбиялашнинг муҳим омили сифатида мактабларда ижтимоий адолат ва тенглик тамойилларини қарор топтиришга эришиб, синфлардаги ўқувчилар сонини оптималлаштириш, ўрта таълим тизимига STEAM таълимини жорий қилиш, ўқув дастурларида тарих, ўзбек тили ва адабиёти каби фанлардан ўқув соатларини кўпайтириш, жаҳон билимлари ва маданий қадриятларини ўрганишлари учун интернет тизимига чиқиш имконини берувчи компьютер технологиясидан фойдаланишни ўқув жараёнига киритиш, мактабларнинг бошланғич синфларида узайтирилган кун гуруҳларини жорий қилиш, махсус фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган синфлар очилишини ташкил этиш, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини кучайтириш тарафдори эканлиги айтиб ўтилган.

Таълим тизимида кадрларнинг ойлик иш ҳақи масаласи ҳам долзарб вазифалардан бири сифатида қайта-қайта таъкидланмоқда. Партия айни шу муҳим масалага алоҳида эътибор қаратади. Жумладан, ўқитувчилар иш ҳақи ошиши ва ижтимоий мавқеини кўтариш, ижтимоий пакетни яхшилашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни давом эттиришга аҳамият беради. Шунингдек, таълим олиш ва сифатини ошириш стратегиясини қабул қилиш, ҳозирги кўплаб қонунлар, қарорлар, кўрсатмаларни тизимлаштириш учун Таълим тўғрисидаги кодексни қабул қилиш таклифи киритилган. Бу таклиф соҳа ходимлари фаолиятини такомиллаштириш, иш тартибини ихчамлаштиришга хизмат қилади. Истиқболда бутун таълим жараёнини мувофиқлаштирувчи ягона ҳуқуқий асосни яратишга замин яратади.

Дастурда олий таълим тизимини такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавийлаштириш, АКТ воситалари билан таъминлаш, етакчи педагогик технологияларни ўқув жараёнига кенг жорий қилиш тарафдори эканлиги ҳам айтилган.

Айниқса, партия олий таълимга кириш квоталарини босқичма-босқич ошириб бориш, имтиҳонларни фақат бюджет (давлат гранти) асосида кирадиганлар учун қолдириш, контракт асосида ўқишни истайдиганларни имтиҳон ва синовларсиз ўқишга қабул қилишни йўлга қўйишни ҳам таклиф этади. Бу ёш авлоднинг имкониятини кенгайтиришда ҳамда сифатли таълим олишида асос бўлади. Ўқишга киришни осонлаштириш, аммо ўқишга бўлган талабни кучайтириш партиянинг сайловолди платформасида алоҳида таъкидланган. Талаба яхши ўқимаса, курсдан курсга қолиб, қайта-қайта контракт пулини тўлаб ўқийди. Қачонки талаба давлат стандартлари бўйича имтиҳонларни муваффақиятли топширса, унга олий маълумот олганлигини тасдиқловчи диплом берилади. Бу йўл таълим сифатини ошириб, кадрлар ўртасидаги рақобатни кучайтиришга ва коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади.

## Бугунги кун аёли фаол бўлиши шарт

**Гулнафис ХУДОЙБЕРДИЕВА, Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти судининг судьяси:**



— Ўзбекистон “Адолат” СДП ҳам жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳасида гендер тенглигига эришиш тарафдори. Демак, бугунги кун аёли ҳар соҳада фаол бўлиши шарт. Партиянинг сайловолди дастурида бу борада таклифлар қайд этилгани мамлакатимизда аёлларнинг мустаҳкам ўрнини белгилаб бериш ва уларнинг фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Албатта, жамиятда, давлат қурилишида хотин-қизларнинг иштирокини ошириш мақсадида партиямиз фаолиятида аёллар роли кучайтирилди, партия аъзоларининг муайян қисмини улар ташкил этишига эришилди. “Аёллар қаноти” томонидан олиб борилаётган тарғибот ишларидан асосий мақсад ҳам опа-сингилларимиз сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятнинг муҳим бўғини сифатидаги ролини кучайтиришдан иборатдир.

Бугунги кунда хотин-қизларимиз сиёсий жараёнларда нафақат фаол иштирокчи, балки жамиятнинг катта кучига, шу билан бирга, ҳал қилувчи омилига айланиб бормоқда. 2007 йилда бўлиб ўтган Президентлик сайловида мамлакатимизда илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига кўрсатилган бир неча номзодлар қаторида аёл кишининг ҳам номзоди кўрсатилган ва илк бор Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси Спикери лавозимига аёл киши сайланган эди. 2019 йилда эса Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида аёл киши Сенат Раиси лавозимига сайланди.

Бу масала бугун ҳар қачонгидан долзарб эканлигини англаб турибмиз. Маънавий-маърифий ҳамда руҳан юксак аёлларимиз, оналаримиз жамиятга ҳар қачонгидан ҳам зарур. Чунки бола хоҳ қиз, хоҳ ўғил бўлсин, асосан, она ёнида бўлади, унинг ҳаёт ҳақидаги тасаввури она тарбиясида шаклланади ва кўпгина хусусиятлар унга она сути билан ўтади.

Ахборот маконида маънавий террор авж олаётган паллада оналарнинг соғлом фикри, дунёқараши, маърифати миллат учун ниҳоятда аҳамиятли. Бугун қурол-яроғдан кўра, мафкуравий урушлар, маънавиятга таҳдидлар кучайиб борар экан, бу хатарлар таъсиридан жамиятни асраш вазифаси оиладан бошланмоғи кераклиги асосий масалага айланди. Ваҳолонки, она том маънода, Ватан, миллат, ўзлигимиз ҳимоячисидир. Бу жиҳатлар улар тарбия қилаётган фарзандлар садоқати, меҳнати ва фидокорлигида намоён бўлади.

Алишер Навоий ҳазратлари аёлларга “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг ўттиз еттинчи “Кадхудолиғ сифати ва хотунлар зикрида” деган фаслида “Мувофиқ тушса кадбону, давлат ва жамиятға бўлмоқдурур ҳамзону” дея таъриф берадилар. Яъни кадбону, уйнинг бекаси мувофиқ — рисоладагидай бўлса, давлат ва жамият билан ёнма-ён, елкама-елкадир. Давлат ва жамият олдида бугунги аёлнинг масъулияти ва вазифалари ортиб бораётганлиги ҳам бежиз эмас.

Нафақат фарзанди, балки жамиятдаги барча ёшларимизнинг ёт ғоялар таъсирига берилмаслиги, алдовга учиб, тўғри йўлдан тоймаслиги учун миллат оналаридан кўп нарса талаб этилади. Бежиз “Ватан” сўзи “Она” сўзи билан уйғун эмас. Ҳар тонг уйғониб кўрган қадрдон уйи, қувонч-ла кутиб олган, ҳар гўшани гулга безаган юрт баҳори, тансиқ мевалар тутган меҳри қайноқ ёзи, олтин кузи, сокин уйқуга чўмган оппоқ қишларининг қиёси йўқ. Ва унинг ҳар муждаси она билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ИНФЛЯЦИОН ТАРГЕТЛАШ РЕЖИМИГА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЎТИШ ОРҚАЛИ ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

монополияга қарши курашиш ва нархларни тартибга солишнинг замонавий усулларига ўтишга, шунингдек, ишлаб чиқариш инфратузилмасини кенгайтиришга йўналтирилган тартибга солинадиган нархларни босқичма-босқич эркинлаштириш;

жамғармаларни инвестицияларга трансформация қилиш учун молиявий воситачилик институтларини ривожлантириш мақсадида банк тизими ҳамда молия бозорларини ислоҳ этиш, шунингдек, молиявий оқимларни узоқ муддатли режалаштириш учун имконият яратиш.

4. Қуйидагилар:

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банкининг инфляцияни пасайтириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича биргаликдаги ҳаракатлари концепцияси** (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

**2020 йилда инфляцияни пасайтириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича "Йўл харитаси"** (кейинги ўринларда — "Йўл харитаси") 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қуйидагиларни жорий этиш орқали **пул-кредит сиёсати инструментлари**, **механизмлари ва жараёнларини** инфляцион таргетлаш режими **стандартларига мувофиқлаштириш** чораларини кўрсин:

**2020 йилнинг 1 январига қадар** пул бозори фоиз ставкаларига таъсир кўрсатувчи **бозор инструментлари**, шу жумладан, Марказий банк облигациялари, овернайт депозитлар, доимий тусдаги депозит аукционлари, давлат қимматли қоғозлари ва хорижий валюта гарови остида кредит аукционлари ва овернайт кредитлари;

**2020 йил давомида фоиз ва валюта хатарларини бошқаришда ҳосилавий инструментлар** (своп, опцион ва фьючерслар) ва тижорат банкларининг валюта курси шаклланишидаги ролининг босқичма-босқич ошириб борилиши;

**бир ой муддатда** Марказий банкнинг банклараро пул бозорига мунтазам интервенцияси орқали **мослашувчан фоиз сиёсатини амалга оширишда асосий фоиз ставкасининг фоиз коридори механизми**;

**2020 йилнинг 1 апрелига қадар** халқаро молия институтларининг техник кўмаги ҳамда илғор халқаро тажриба асосида эконометрик моделлаштириш инструментларини ривожлантиришни назарда тутувчи **макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш тизими**;

**икки ой муддатда** Марказий банк томонидан иқтисодиётдаги жорий ҳолат, инфляцион жараёнларнинг асосий омиллари ва пул-кредит сиёсати чораларининг ўз вақтида ёритилишини кўзда тутувчи **коммуникацион сиёсатнинг замонавий тамойиллари**;

**инфляция ва инфляцион кутилмалар омилларини доимий ўрганиб бориш**, халқаро молия институтлари ва бошқа давлатлар марказий банклари техник кўмагини жалб этиш орқали **илғор хорижий тажрибани ўрганиш**.

6. **Инфляция даражасини пасайтириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш борасидаги чора-тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича комиссия** (кейинги ўринларда — Комиссия) 3-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

инфляция омиллари ва нархлар ошишига олиб келаётган сабабларни **бевосита жойига чиққан ҳолда таҳлил этиш ва танқидий баҳолаб бориш**;

барча вазирлик ва идоралар саъй-ҳаракатларини иқтисодиётда инфляция даражасини пасайтириш ҳамда амалга оширилаётган сиёсатнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлашга қаратиш;

республика пул-кредит сиёсатини инфляцион таргетлаш режимига ўтказишга қаратилган **чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишидаги камчилик ва муаммоларни аниқлаш**, шунингдек, уларни бартараф этиш ҳамда ушбу соҳадаги ваколатли орган ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ваколатли орган ва ташкилотлар раҳбарлари ва бошқа вакиллари иштирокида **ҳар ойда камида икки марта** ички бозорда нархларни барқарорлаштириш ва инфляцияни пасайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ижросини **муҳокама қилишни ташкиллаштириш**, шунингдек, амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб бориш.

7. Белгилансанки:

**2020 йил 1 январдан бошлаб** тижорат банклари томонидан (миллий валютада) янгидан бериладиган барча турдаги кредитлар, шу жумладан, давлат дастурлари доирасида ажратиладиган кредитлар бўйича **фоиз ставкалари Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган даражада белгиланади**, ипотекани кредитлаш бўйича давлат дастурлари ҳамда пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларини етиштириш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга ажратиладиган кредитлар бундан мустасно;

**2021 йил 1 январдан,** зарур ҳолларда, фоиз харажатларининг маълум бир қисмини компенсация қилиш механизмларини жорий этиш орқали тижорат банкларига фоиз ставкаларини мустақил белгилаш ҳуқуқини берган ҳолда **кредитларни имтиёзли фоиз ставкаларида бериш амалиёти бекор қилинади**.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

**2020 йилнинг 1 февралига қадар** Энергетика вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2020-2021 йилларда тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни инфляция мақсадларига таъсирини ҳисобга олган ҳолда эркинлаштириш графигини ишлаб чиқсин** ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

**умумий фискаль баланс тақчиллигини** 2022 йилда **1,5 фоиздан ошмайдиган даражагача** босқичма-босқич камайтиришни таъминласин;

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг белгиланган параметрлар доирасидаги қатъий ижросини**, шунингдек, Марказий банк билан биргаликда солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсати мувофиқлигини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда 2020 йилнинг 1 июлига қадар **норезидентларга молия бозорига киришга рухсат бериш шартлари, механизмлари ва муддатлари бўйича таклифларни юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларини бартараф қилишнинг аниқ механизмлари ва инструментларини ишлаб чиққан** ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига **киритсин**.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банки:

**Концепция ва "Йўл харитаси"нинг сифатли ва ўз вақтида ижро этилишини**;

"2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида таркибий ислоҳотлар асосий йўналишларининг "Йўл харитаси"ни амалга оширишни таъминлаш бўйича **Иқтисодий кенгаш йиғилишларида** солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсати мувофиқлиги ҳамда таркибий ислоҳотларнинг амалга оширилиши ҳолати масалаларини **кўриб чиқиш ва муҳокама қилишни**;

жаҳон бозорларидаги реал вазиятнинг ривожланиши ва таркибий иқтисодий ислоҳотларнинг амалий натижаларидан келиб чиққан ҳолда **мослашувчан макроиқтисодий сиёсат юритиш,** шунингдек, инфляциянинг узоқ муддатли мақсадли кўрсаткичи (таргети) даражасигача пасайишини;

**"Йўл харитаси"**нинг амалга оширилиши ва нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича кўрилаётган чоралар самарадорлиги тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, инфляция бўйича қўйилган мақсадга эришиш омиллари ва хатарларини кўрсатган ҳолда **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳар чоракда маълумот киритиб боришни таъминласин**.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда 2020 йилнинг 1 апрелига қадар Жаҳон банкининг техник кўмаги асосида ишлаб чиқилаётган Молиявий оммабопликни ошириш миллий стратегияси доирасида молиявий саводхонликни оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М. Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 18 ноябрь

# ОИЛАДАГИ ЖИНОЯТГА ЖИМ ҚАРАБ ТУРОЛМАЙМИЗ

1

Ота-боболаримиз амал қилган бу анъана, афсуски, бугун айрим оила бошлиқларини заррача ташвишга солмайди. Фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналарга доир рақамлар ҳам бунга далил. 2019 йилнинг 10 ойида бундай шахслар 4831 нафарни ташкил этган (2018 йилда 5331 ҳолат). Фарзандларига ёмон намуна бўлаётган ота-оналар сони бўйича Андижон вилояти "пешқадам" — 440 нафар шахс рўйхатга олинган. Тошкент вилоятида 369, Сирдарё вилоятида 322, Қашқадарё вилоятида 268, Тошкент шаҳрида 236 нафар ота-онанинг боласини муносиб тарбиялаш ўрнига, уларга ёмон ибрат бўлаётганида ўша ҳудудлардаги маҳаллалар фаоллари ва ҳар бир ҳамкор ташкилотнинг бирдек айби бор.

## Ҳамкорлик дастури ижросига киришилди, лекин...

Ҳаётимизда учраётган бу камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, салбий ҳолатларнинг олдини олиш бугун барчамиздан биргаликда ҳаракат қилиш, бирлашишни тақозо этгани боис Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" жамғармаси, Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар иттифоқи, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамкорлигида "Маҳаллаларда маънавий-маърифий тадбирларни тизимли ташкил этиш бўйича жамоат ташкилотларининг 2019 йил ноябрь-декабрь ойларига мўлжалланган ҳамкорлик дастури" тайёрланиб, унинг ижросига киришилди.

Икки ойга мўлжалланган ушбу дастурдан катта натижалар кутяпмиз. Аммо биринчи ойнинг 20 куни ҳам ортда қолмоқдаки, жиноятчилик билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳамон пасайганича йўқ. Дастур тайёрланишида ҳамкорларимиз нафақат вазифаларни ўзаро тақсимлашган, балки республика, вилоят, туман ва маҳаллалар кесимида амалга ошириладиган **биргаликдаги кундалик ишларнинг аниқ вақти, йўналиши, ижро услубигача келишиб олинганди**. Агар ушбу фикрлар қоғозда қолиб кетмаса, бундан фақат ва фақат халқимиз манфаат кўриши, оилалар мустаҳкамланиши, маҳаллаларда тинчлик ва осудалик барқарор бўлиши таъкидланганди.

Аммо ИИВ тезкор хабарларини кузатсак, ҳолат ҳамон эски ҳаммом, эски тослигича қолаётгандек туюлади. Масалан, Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида 9 ноябрь куни соат 20.30 ларда 13-даҳа, 11-уй, 21-хонадонда яшовчи, 1988 йилда туғилган И. Т. кафеда ўзаро жанжал оқибатида Бинокор кўчаси, 30-уй, 9-хонадонда яшаган, 1996 йилда туғилган М. F. нинг кўкрак қисмига кабоб сихи билан уриб, жароҳат етказган. Жабрланувчи кўрсатилган тиббий муолажаларга қарамай вафот этган.

Қотиллик содир этилгач, жиноятчига жазо муқаррар, аммо арзимаган жанжал оқибатида, спиртли ичимлик таъсирида бир инсоннинг умрига якун ясалиши аянчли. Аслини олганда онгли, маънан баркамол инсон қотилликка қўл уриш у ёқда турсин, ақлу ҳушидан айриладиган даражада ичмайди, ўзини бошқаради. Иродаси суст бўлганларни назоратга олиш, руҳий далда бериш, тўғри йўлдан оғишмаслиги учун кўмаклашиш нафақат жамоат ташкилотлари, балки шу юртда яшаётган ҳар бир зиёлининг бурчига айланиши керак.

## Қариндошлар ўртасидаги адоват қаердан туғилмоқда?

Ҳамкорлик дастури доирасида алоқадор ташкилотлар фаолларининг Мурожаати ҳам эълон қилинганди. Ўша ҳужжат матнида: **"Азиз ватандошлар! Миллатни чалғитаётган, мамлакат тараққиётига тўғаноқ бўлаётган иллатларга жамоатчилик назоратининг танқид найзаси билан биз — ўзимиз чек қўймас эканмиз, емирилган оилалар, етим гўдаклар, кўчада қолган муштипар оналарнинг кўнглидаги жароҳатлари, бир қориндан талашиб тушган ака-ука, опа-сингилларнинг турмуш адоватини, жиноятини йўқотиб бўлмайди"**, деган ўтли хитоблар битилган.

Агар бу хитоб барча маҳаллаларда янграганида эди, яқиндагина юз берган қариндошлар ўртасидаги жиноятлар қайд этилмасмиди?! Бир куннинг ўзида республика бўйлаб қасддан баданга оғир шикаст етказиш билан боғлиқ 3 та жиноят аниқланиб, фош этилган. Бу ҳолатлар "қаҳрамонлари" яқин қариндошлар.

Ўз жонига қасд қилаётганлар ҳам кунда-кунора учраб турибди. Улар орасида аёллар, вояга етмаганлар, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган катта ёшли эркаклар ҳам бор. Кишини ҳаётдан нима бездиради? Эътиборсизлик, меҳрсизлик, иложсизлик. Нега ён-атрофимиздагиларга нисбатан меҳримизни аяймиз, эътиборимизни дариғ тутамиз, дардини айтишига имкон бермаймиз? Ахир, бу халқимизнинг олижаноб анъаналари, қадриятларига тўғри келмайдиган иш-ку!

Бундай даҳшатли ҳолатлар ўзбек халқининг олижаноблиги, юксак инсоний фазилатларини ерга уради. Зотан, қариндошлар ўртасида адоват эмас, меҳр, оқибат, саховат устувор бўлиши керак. Меҳр риштасини ҳатто халқимиз етти ёт бегона кишилар — қўни-қўшнилар ўртасида ҳам мустаҳкамлаш тарафдори бўлиб, тарғиб этиб келса-ю, жигарига жони ачимаган бемеҳрлар, оқибатсизлар кимдан ўрнак олмоқда? Нега бундайлар билан жиддий шуғулланишга эриняпмиз ёки уларга беписанд қараяпмиз?

## Аёл гулдек нозик, аммо...

Бугун ахборот кенг ва тез тарқаладиган давр. Аммо янгиликлар билан таниша туриб, юртдошларимиз содир этган қабиҳликлар, айниқса, ўзбек аёли бош қўшган тубанликлар ҳақида ўқиб, юрагимиз оғрийди. Жорий йилнинг ўтган 10 ойида хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар 3268 тани ташкил этган. Кўрсаткичнинг ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 32,8 фоизга камайгани яхши, аммо аёллар қўл урган жиноят турларига назар солсангиз, даҳшатга тушасиз: 29 нафар аёл қотиллик ва суиқасдни амалга ошириб, қўлини қонга ботирган, 48 нафари оғир тан жароҳати етказган.

**А**ёлни гулдек нозик деб алқаймиз, авайлаймиз. Аммо бундай оғир жиноятга қўл уриш учун қалб гулдек нозик эмас, тошдан ҳам қаттиқ бўлиши керак. Гул эса ўз-ўзидан тошга айланмайди: аёлни қандайдир омиллар қора чоҳга етаклаши муқаррар. Хўш, нима учун бу аёллар ўз ҳолига ташлаб қўйилди, нега қонли режаси амалга ошгунча бировнинг эътиборини тортмади? Ғишт қолипдан кўчгачгина югур-югур қилишнинг кимга қандай фойдаси бор?!

Ўтган муддатда хотин-қизлар бошқа "ҳунарлар" ҳам кўрсатишган. Жумладан, фирибгарлик содир этган 461, ўғриликка қўл урган 314, гиёҳвандлик моддаси билан боғлиқ жиноят қилган 156 нафар аёлнинг ҳар бирига жиноят иши очилган.

Рўйхатда талончилик ва босқинчилик билан шуғулланган хотин-қизлар ҳам борлигини қандай изоҳлаш мумкин?! Бу муаммолар маҳаллаларда оилалар ва хотин-қизлар билан ишлашдаги тажрибасизликдан, ҳамкорлар билан етарлича алоқа боғланмаганидан далолатдир.

## Мутасадди масъулиятни унутса...

Аслида-ку жиноят содир бўлгандан сўнг унинг сабаб ва омилларини таҳлил қилиш эмас, аксинча у юз бермасиданоқ илдизларини топиш ва қирқиш кераклиги кўп такрорланади. Шундай бўлса-да, содир этилган жиноятлар айрим мутасаддиларнинг ўз ишига совуққонлиги, масъулиятсизлигини кўрсатиб туради. Жумладан, жойлардаги фуқаролар йиғинлари раислари ва профилактика инспекторларининг ҳамкорликдаги фаолиятига доир маълумотларда ҳам жиноятга йўл очган омилларни пайқаш осон.

Эътибор берсак, республика бўйича мавжуд 9116 та фуқаролар йиғинининг 108 тасида профилактика инспекторлари ва 84 тасида профилактика инспекторлари ёрдамчилари билан ҳамкорлик ҳануз йўлга қўйилмаган. Жойларда 31 профилактика инспектори ва 77 та профилактика инспекторлари ёрдамчиси лавозимлари вакантлиги сабабли фуқаролар йиғинларида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ишлар талаб даражасида эмас.

## Қандай чора қўллаш керак?

Таъкидлаш жоизки, ҳар дарднинг бир давоси бор. Юқорида тилга олинган муаммолар қайта газак олмаслиги учун зарур чораларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

**Биринчидан,** юқоридаги Ҳамкорлик дастури доирасидаги вазифалар ижросини тўла-тўкис, аниқ вақт ва манзили бўйича бажариш шарт. Бир муаммони биргаликда ҳал этишнинг самараси катта, машаққати оз бўлади. Ҳар бир ҳамкор ташкилотдан масъулият ва талабчанлик талаб этилади.

**Иккинчидан,** нотинч-ноқобил оилалар сони ошган Андижон, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳрида оила-турмуш муносабатлари билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш мақсадида, ушбу ҳудудларда яшаётган, маънавий-ахлоқий жиҳатдан муаммоси бор, нотинч, ноқобил, жиноятчиликка мойил ёки профилактик рўйхатда турадиган аъзоси бўлган оилалар, шунингдек, ижтимоий кўмакка муҳтож фуқароларнинг муаммоларини айнан ҳамкорлик доирасида пухта ўрганиш даркор. Шундан сўнг вақтни бой бермасдан уни ҳал қилиш ва ушбу оилалардаги муҳитни соғломлаштиришнинг таъсирчан чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

**Учинчидан,** ҳамкорлик талаблари бажарилмаса, қатъий чораларни қўллаш вақти келди. Яъни фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда фаолият олиб бормаган таълим муассасалари раҳбарлари, профилактика инспекторлари, оила ва хотин-қизлар билан ишлаш бўйича мутахассисларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўриш юзасидан тегишли ташкилотларга таклифлар киритиш ўринлидир.

**Тўртинчидан,** маҳаллаларга услубий кўмакни кучайтириш мақсадга мувофиқ. Хусусан, жиноятчилик кўрсаткичи ошган ҳудудлардаги оилалар ва маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишларни ўрганиш ва зарур ҳолларда амалий-услубий кўмаклашиш чораларини кўриш жоиз.

Унутмаслик керакки, халқимизнинг маънавий илдизларини юксак ахлоқий фазилатлар, олижаноб хислатлар, эзгу анъана ва безавол қадриятлар ушлаб туради. Орамизда нифоқ, фитна, ҳасад, бефарқлик авж олса, нафақат бобомерос қадриятлардан айриламиз, балки келажак авлодлар олдида ҳам гуноҳга ботамиз. Чунки бу жаннатмонанд юртнинг табиий бойликлари, сарҳадларини, халқини асраган каби унинг гўзал қадриятлари, урф-одат ва анъаналари, меҳрли муҳити, оилага ҳурмати, болаларга ғамхўрлиги каби бой маънавий қиёфасини сақлаб қолишга ҳам жавобгармиз. Бугун ҳаммамиз маҳалла ишига кўмаклашишимиз, муаммосига биргаликда ечим излашимиз, осудалигимизга чанг соладиган ҳар қандай иллатга муросасиз бўлишимиз, оила ва фарзандларни асрашда фаоллик кўрсатиб, бир-бировдан меҳримизни аямаслигимиз сув ва ҳаводек зарур. Яқинимиздаги инсонларни безовтароқ кўрдикми, хоҳ у қариндошимиз, хоҳ ҳамкасбимиз ёки қўшнимиз бўлсин, унинг дардини бўлишишга куч топайлик. Зеро, ким учундир ечилмас муаммо бўлиб туюлган, кимнидир қора ишга мажбурлаган вазият аслида атрофдаги кишиларнинг беғараз ёрдами, беминнат меҳри туфайли бир зумда ҳал бўлишини, ҳамжиҳатлик бор жойдан барака аримаслигини ҳаётда кўп кузатганмиз. Шундай экан, хонадонларимиздан барака кўтарилишига, орамиздаги ҳамжиҳатлик, меҳр ришталарининг узилишига йўл қўймайлик.

**Шавкат ЖАВЛОНОВ,**
**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бошқаруви раиси.**

# ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ИККИНЧИ ЎҚИШГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

1

Дарҳақиқат, қўмиталар, ишчи гуруҳларида кечаётган қизғин муҳокамаларда мамлакатимизда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган, боқувчисини йўқотган шахслар ҳар тарафлама қўллаб-қувватланаётган бир шароитда бу борада ҳали қилиниши лозим бўлган кўплаб масалалар мавжудлиги қайд этилди.

Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси 21-моддасига қўшимча равишда маҳаллий бюджетлар даромадларининг прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ҳокимликларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса, харажатларни қоплаш учун Вазирлар Маҳкамасига бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилиши, қолаверса, ушбу тартибда туман ва шаҳар ҳокимликлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига мурожаат этишлари белгилаб қўйилишини кўзда тутувчи алоҳида банд киритилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдурашид Абдуқодиров ҳам яна бир муҳим масалага барчанинг эътиборини қаратиб, янги жорий этилган Солиқ концепциясида бюджет ташкилотларига ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиз, хусусий сектор учун 12 фоиз этиб белгиланганини таъкидлар экан, олий таълим муассасалари ҳам солиқ тўловчи сифатида ягона ижтимоий тўлов ставкасининг 25 фоизида тўлаб келаётганини айтган эди.

Лекин, депутатнинг фикрича, олий таълим муассасаларининг қарийб 70 фоиз, баъзиларининг 95 фоиз харажатлари контракт тўловлари маблағлари ҳисобидан шаклланади. Шу сабабли, мазкур маблағлар халқ тўлаган пулдан ушланишини эътиборга олсак, олий таълим муассасалари ягона ижтимоий тўлов ставкаси 12 фоизга туширилиши лозим.

Мазкур масала Қонунчилик палатасида Молия, Олий ва ўрта-махсус таълими вазирликлари ҳамда бошқа мутасадди вазирлик ходимлари иштирокида лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида атрофлича ўрганиб чиқилмоқда. Бу масалани ишлаб чиқилаётган янги таҳрирдаги Солиқ кодексига киритиш таклифи илгари сурилди.

Депутатлар илгари сурган таклифга асосан, қонун лойиҳасининг 11-моддасига қўшимча равишда Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг тасдиқланган умумий харажатларининг 3 фоизидан ошган қисмини ишлатишга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан рухсат бериш нормаси киритилмоқда.

Депутатлар томонидан ҳар томонлама чуқур ўрганишлар асосида муҳокама қилинаётган мазкур қонун лойиҳасига шу каби 20 га яқин ўзгаришлар киритилмоқда.

Қонун лойиҳаси муҳокамаси давом этмоқда.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.**

# БАҒРИКЕНГЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

## ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИДИР

1

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 15 ноябрда қабул қилинган "Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони бу борадаги амалий ишларнинг мақсади, принциплари ва асосий йўналишларини белгилаб берувчи асосий дастур экани таъкидланди.

Семинарда мавзуга доир маърузалар тингланди. Тегишли тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди.

### *Сўз — тадбир иштирокчиларига*

**Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА,**
**"Ижтимоий фикр" республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори:**

— Аҳоли орасида ўтказилган тадқиқотлар юртимизда миллатлараро тотувлик, бағрикенглик муҳити барқарор эканини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, барча соҳада интеграция кучайиб, ахборот хуружлари авж олган бугунги давр миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини изчил ўрганиб, уларни янада ривожлантириб боришни тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан Президентимиз Фармони билан тасдиқланган концепцияга мувофиқ, юртимизда миллатлараро муносабатлар ҳолатини мониторинг қилиш тизими ва механизмлари йўлга қўйилаётгани айни муддаодир.

**Наиля РЕЗЯПОВА,**
**Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:**

— Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани Марказий Осиёда янгича ижобий муҳитни юзага келтирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, барча фуқароларга диний эътиқоди, таълим олиши, меҳнат қилиши, ўз ижодий-интеллектуал салоҳиятини намоён этиши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун тенг имкониятлар яратилганини эътироф этиш жоиз. Зеро, бу тинчлик, осойишталик, ижтимоий барқарорлик ва тараққиётнинг муҳим омилидир.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

## 2019/2020 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари танлови ғолиблари

## Бакалавриат таълим йўналишлари бўйича

**1. Шукуруллаев Жамшид Бахтиёр ўғли**
*(Қишлоқ ва сув хўжалиги таълим йўналиши)*



1996 йил 8 майда Жиззах вилояти, Зомин туманида туғилган. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Бухоро филиали гидромелиорация факультети 4-босқич талабаси. Инглиз тилида сўзлаша олади. 30 дан ортиқ республика ва халқаро конференция ҳамда форумлар иштирокчиси. Жорий йилнинг 27-28 май кунлари ўтказилган Ўзбекистон — Исроил агробизнес форумида ўзининг “Маҳаллийлаштирилган Корея гидропоникаси” номли илмий ишланмаси билан қатнашиб, исроиллик ҳамкорларнинг эътиборига сазовор бўлди ҳамда бир нечта маҳаллий шартномалар имзолашга эришди. Ҳозирги кунда “Шўрланган ва шўрланишга мойил бўлган ерларда сояни суғориш технологияси элементларини ишлаб чиқиш (Бухоро вилояти миқёсида)” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**2. Рустамов Умеджон Амрилложонович**
*(Техника ва информатика таълим йўналиши бўйича)*



У. Рустамов 1996 йил 24 июнда Бухоро вилояти, Пешку туманида туғилган. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети компьютер инженерлиги факультети 3-босқич талабаси. У. Рустамов 30 га яқин илмий мақолалар муаллифи ҳисобланиб, илмий мақолалари “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш шароитида инновациялар” мавзуидаги республика илмий-амалий анжуман маърузалар тўплами, “International journal of advanced research in science, engineering and technology” каби республика ва халқаро нашрларда чоп этилган. Рус, инглиз ва корейс тилларида сўзлаша олади. 20 га яқин дастурлар муаллифи, турли республика ва халқаро танлов ҳамда анжуманларда фаол иштирок этиб, 30 га яқин сертификат, диплом ва ютуқларни қўлга киритган. Ҳозирги кунда компьютер инженерлиги бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда.

**3. Саидмавлонова Гуласалхон Саидакрамхон қизи**
*(Ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар таълим йўналиши)*



1998 йил 3 мартда Фарғона вилояти, Марғилон шаҳрида туғилган. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети халқаро муносабатлар факультети 4-босқич талабаси. Рус, немис, инглиз тилларида сўзлашади. Немис тили бўйича Республика олимпиадасида III ўринни қўлга киритган. 2019 йилда Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан ўтказилган “Нотиқлик санъати” кўрик-танловида 1-ўринни эгаллаган. Жорий йилнинг июнь ойида “Шарқдан Ғарбга қадар Қозоғистонда янги Ипак йўли” сиёсат, иқтисодиёт ва журналистикага доир ёзги ўқув курсларида иштирок этиб, грант совриндори бўлган. 10 га яқин илмий мақолалар муаллифи. Ҳозирги пайтда “Германиянинг сиёсий-аналитик марказлари: тузилиши, турланиши ва эволюцияси” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**4. Ҳамидхонов Қобилхон Шухрат ўғли**
*(Педагогика таълим йўналиши)*



1996 йил 14 мартда Наманган вилояти, Учқўрғон туманида туғилган. Наманган муҳандислик-қурилиш институти муҳандислик коммуникациялари факультети 4-босқич талабаси. Рус, инглиз, турк тилларида сўзлашади. “New types of education in the modern world”, “Innovative activities as an object of investments”, “Methods of the regulation of the state economy (educational methodical complex)” каби илмий мақолалар муаллифи. IELTS халқаро инглиз тили тест синовида 6 балли сертификатни қўлга киритган. Йигирмадан зиёд республика ва халқаро конференциялар иштирокчиси. Айни пайтда “Инновацион ҳаракатлар инвестициянинг муҳим таркибий қисми сифатида” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**5. Аҳмедова Мафтуна Юсуф қизи**
*(Бизнес ва бошқарув таълим йўналиши)*



1997 йил 3 сентябрда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент молия институти солиқлар ва суғурта факультети 4-босқич талабаси. “The role of taxes and tax system in the national economy” номли монография муаллифи. Ўндан зиёд мақола ва тезислари республика ҳамда халқаро нашрларда чоп этилган. IELTS халқаро тил тести бўйича 7 баллик сертификатни қўлга киритган. Шунингдек, 20 га яқин маҳаллий ва хорижий анжуманлар иштирокчиси. Рус ва инглиз тилларида сўзлашади. Айни пайтда “Солиқлар ва солиқ тизимининг иқтисодиётдаги ўрни” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**6. Бобоёрова Шаҳноза Мажид қизи**
*(Табиий фанлар таълим йўналиши)*



1995 йил 6 майда Қашқадарё вилояти, Китоб туманида туғилган. Қарши давлат университети табиий фанлар факультети 4-босқич талабаси. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси, олий таълим муассасасида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоиз ва ундан юқори бўлган талабаларни йиллик шартнома маблағларнинг 35 фоиз миқдорини тўлаб бериш орқали рағбатлантирувчи сертификатни қўлга киритган. Ҳозирги кунда “Янги супрамолекуляр моддалар асосида коррозия ингибиторларини яратиш” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**7. Отабоев Акбар Иноятович**
*(Ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий фанлар таълим йўналиши)*



1998 йил 26 апрелда Хоразм вилояти, Шовот туманида туғилган. Урганч давлат университети филология факультети 4-босқич талабаси. Рус, инглиз, француз тилларини билади. 30 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. Буюк Британия, Ҳиндистон, Украина давлатларида ҳамда республика миқёсида нашр этилган анжуман тўпламларига мақолалари киритилган. Ҳозирги пайтда Нью-Йоркдаги “American Journal of Applied Scientific Research” номли халқаро илмий журналнинг Ўзбекистондаги фаоли. Айни пайтда “Абдураззоқ Фақирийнинг лирик мероси” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**8. Тилавова Юлдуз Муҳаммадшукур қизи**
*(Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот таълим йўналиши)*



1996 йил 16 март куни Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳрида туғилган. Самарқанд давлат тиббиёт институти даволаш факультети 5-босқич талабаси. 40 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. Кўплаб республика ва халқаро конференция ҳамда фестиваллар иштирокчиси. Рус ва инглиз тилларида сўзлашади. Ҳаммуаллифликда “Синдром механической желтухи. Холангит” мавзуидаги ўқув-услубий қўлланма нашр этган. Москва шаҳрида ўтказилган “Тиббиёт баҳори — 2016” конференциясида иштирок этган. “Биология ва тиббиёт муаммолари” халқаро илмий журналида мақолалари доимий равишда чоп этилади. “Хирургик касалликлар ва уларни даволаш” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**9. Зиёдуллаева Азиза Акмал қизи**
*(Хорижий тиллар таълим йўналиши)*



1999 йил 10 июнда Бухоро шаҳрида туғилган. Рус, инглиз, корейс ва немис тилларида сўзлашади. Бухоро давлат университети хорижий тил ва адабиёт факультети 4-босқич талабаси. А. Зиёдуллаева ҳаммуаллифликда “Этнографизмларнинг ўзбекча — инглизча изоҳли луғати”ни нашр этган. Шунингдек, у “Таржимашунослик ва культурологияда лакуналар”, “Лакуналар ва уларнинг ўрганилиши”, “Comparison of ceremonies and legends associated with the belief in reverence for water”, “Ўзбек мотам йиғиларининг инглизча таржималарида миллийликнинг сақланиши” каби илмий мақолалар муаллифидир. Ҳозирги кунда “Лингвокультуремы в английских переводах узбекских анекдотов” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**10. Ҳамиджонова Дилзода Зарифжон қизи**
*(Маданият, санъат ва спорт таълим йўналиши)*



1998 йил 24 февралда Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманида туғилган. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти енгил саноат технологияси ва дизайн факультети 3-босқич талабаси. Рус ва инглиз тилларида сўзлашади. “Тўқимачилик маҳсулотларини бадиий безаш турлари ва қоидалари ҳамда уларни замонавий костюм элементи сифатида лойиҳалаш”, “Миллий заргарлик буюмлари рамзий маъноларни таҳлили ва уларнинг ҳозирги кундаги долзарблиги”, “Болалар кийимидаги безак хусусиятлари”, “Замонавий либосларни бадиий лойиҳалаш композицияси қонуниятлари ва воситалари” каби илмий мақолалар муаллифи. Ўнга яқин республика ва халқаро фестиваллар, мода ҳафталиклари иштирокчиси. “Ўзбекистон баҳори — 2019” ижод фестивали ғолиби. Ҳозирги кунда “Бекасам матосининг хусусиятлари ва уларнинг замонавий либосда қўлланилиши” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**11. Аввалбоева Иродабону Олимжон қизи**
*(Журналистика таълим йўналиши бўйича)*



1997 йил 30 декабрда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети 4-босқич талабаси. 2018 йилдан “Маърифат” газетаси мухбири. И. Аввалбоева рус ва инглиз тилларида сўзлашади. Унинг 80 га яқин илмий-ижодий мақолалари маҳаллий ҳамда хорижий нашрларда, Берлин, Барселона, Белград каби шаҳарларда ўтказилган анжуман тўпламларида чоп этилган. И. Аввалбоеванинг “Она кўнгли”, “Уч тилак”, “Сеҳрли гул” номли шеърлар ва ҳикоялар тўпламлари, 20 га яқин таржима ва нашрга тайёрлаган китоблари мавжуд. Айни пайтда “Болаларда китобхонликни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти” мавзуида илмий изланиш олиб бормоқда.

## Магистратура мутахассисликлари бўйича

**1. Ҳафизов Бунёд Зайниддин ўғли**
*(Қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассисликлари бўйича)*



1995 йил 3 июлда Қашқадарё вилояти, Китоб туманида туғилган. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти бизнес ва бошқарув мутахассислиги 2-босқич магистранти. Рус ва инглиз тилларида сўзлашади. Инглиз тили бўйича халқаро IELTS тест синовида 6 баллик сертификатни қўлга киритган. Ўндан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. Республика миқёсида ўтказилган бир нечта анжуман ва форумлар иштирокчиси. “Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари” мавзуидаги XVIII анъанавий илмий-амалий анжуманнинг “Сув хўжалигида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий, педагогик маънавий омиллари” йўналишида II ўринни қўлга киритган. Айни пайтда “Активизация инновационных процессов в аграрном секторе экономики” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**2. Юсупов Саид Аброрхон Анвар ўғли**
*(Техника ва информатика мутахассисликлари бўйича)*



1993 йил 7 сентябрда Андижон шаҳрида туғилган. Андижон машинасозлик институти автомобилсозлик ва тракторсозлик мутахассислиги 2-босқич магистранти. 2016 йилда Ўзбекистон Республикаси бакалаврлари учун таъсис этилган Беруний номидаги давлат стипендиясини қўлга киритган. 50 дан ортиқ илмий мақолалари республика ва халқаро нашрларда, конференция тўпламларида чоп этилган. Инглиз, рус тилларида сўзлашади. Айни пайтда “Автомобиль ва трактор дизайнини лойиҳалаш босқичларини ўрганиш ва “Uz Auto Motors” АЖда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг бутловчи қисмларини маҳаллийлаштириш” ҳамда “Автомобилсозликни ўқитишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш” мавзуларида илмий изланишлар олиб бормоқда. Инглиз тили бўйича халқаро IELTS тест синовида 6 баллик сертификатни қўлга киритган.

**3. Ўрмонова Юлдузхон Неъматулла қизи**
*(Журналистика мутахассисликлари бўйича)*



1995 йил 2 августда Андижон вилояти, Хўжаобод туманида туғилган. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Олий журналистика курси 2-босқич магистранти. “Халқ сўзи” газетаси мухбири. Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори. Юздан ортиқ илмий-ижодий мақолалар муаллифи. Инглиз ва турк тилларида сўзлашади. Илмий мақолалари ва таржималари Испания, Ҳиндистон, Саудия Арабистони ва АҚШда чоп этилган нашрлар ҳамда тўпламларда, хусусан, “XXI century world literature”, “Creative parallels” номли дунё ёзувчи ва шоирлар алманахида, “Кафла” номли халқаро конференция тўпламида чоп этилган. 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси масофали ўқитиш марказининг “Ёшларда раҳбарлик маҳорати” курсини муваффақиятли тамомлаб, сертификат билан тақдирланган. Ҳозирги кунда “Қонун чиқарувчи орган фаолиятининг матбуотда ёритилиши (“Халқ сўзи” газетаси мисолида)” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**4. Ибрагимов Шоҳруҳ Олимович**
*(Табиий фанлар мутахассисликлари бўйича)*



1995 йил 18 декабрда Жиззах вилояти, Ғаллаорол туманида туғилган. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети табиий фанлар факультети 2-босқич магистранти. Рус ва инглиз тилларида сўзлашади. Инглиз тили бўйича халқаро IELTS тест синовида 6 баллик сертификатни қўлга киритган. “Ўзбекистон белгиси” соҳиби. 2016 йили Кипр давлатининг Протарас шаҳрида бўлиб ўтган X халқаро SEEMOUS олимпиадасида олтин медаль соҳиби бўлган. “Келажак бунёдкори” медали совриндори. “Даражали ифодаларнинг хоссалари”, “Тест синовларида тенгсизликларда фойдаланишнинг афзаллиги” каби илмий мақолалар муаллифи. Айни пайтда “Эндоморфизм учун Жулиа тўпламининг регулярлиги” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**5. Зокиров Нодиржон Комилжон ўғли**
*(Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот мутахассисликлари бўйича)*



1992 йил 12 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент педиатрия тиббиёт институти шошилинч тиббий ёрдам мутахассислиги 2-босқич магистранти. 30 дан ортиқ республика ва халқаро нашрларда илмий мақолалари чоп этилган. Жорий йилда халқаро Эразмус дастури грантини ютиб, шу йил февраль — май ойларида “Erasmus+KA107 International credit mobility” лойиҳаси доирасида Италиянинг Саннио университетида амалиёт ўтади. Инглиз, рус ва итальян тилларида сўзлашади. Инглиз тили бўйича халқаро IELTS тест синовида 6.5 баллик сертификатни қўлга киритган. Ҳозирги кунда “Evaluation of the effectiveness plasma-subtituting solutions in pediatric nephritic syndrome (Болалар нефротик синдромида плазма ўрнини босувчи суюқликлар самарадорлигини баҳолаш)” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**6. Назарова Кумушой Содиқжон қизи**
*(Маданият, санъат ва спорт мутахассисликлари бўйича)*



1995 йил 22 мартда Наманган вилояти, Наманган шаҳрида туғилган. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт институти спорт фаолияти бадиий гимнастика мутахассислиги 2-босқич магистранти. Спорт устаси. Рус ва инглиз тилларида сўзлашади. “Воспитание координационных способностей у девочек 8-9 лет в художественной гимнастике”, “Ёшларни соғлом авлод бўлиб етишишида спортнинг ўрни” каби бир нечта илмий мақолалар муаллифи. Қирқдан ортиқ маҳаллий ва халқаро мусобақалар иштирокчиси ҳамда ғолиби. Ҳозирги кунда “Построение учебного-тренировочного процесса юных гимнасток на этапе специализированной подготовки” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**7. Азизов Солижон Ўчмас ўғли**
*(Хорижий тиллар мутахассисликлари бўйича)*

1996 йил 15 сентябрда Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳрида туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети лингвистика (инглиз тили) мутахассислиги 2-босқич магистранти. Инглиз, рус, француз ва хитой тилларида сўзлашади. Республика ва халқаро нашрлар ҳамда



конференция тўпламларида юзга яқин илмий мақолалари чоп этилган. Инглиз тили бўйича халқаро IELTS тест синовида 6.5 баллик сертификатни қўлга киритган. Ҳозирги пайтда “Theoretical and practical importance of implementing ICT in teaching English at higher education (Олий таълимда инглиз тилини ўқитишда замонавий АКТни татбиқ этишнинг назарий ва амалий асослари)” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**8. Алишерхўжаева Маъмурахон Аброрхўжа қизи**
*(Ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар мутахассисликлари бўйича)*



1993 йил 14 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат шарқшунослик институти хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва сиёсат факультети 2-босқич магистранти. Рус, инглиз, турк ва ҳиндий тилларда сўзлашади. Ўнга яқин услубий ва илмий мақолалар, шунингдек, “Дипломатиянинг замонавий моделлари: тарихий эволюция ва ўзига хослик” номли монография ва “Дипломатияга оид иқтибос ва афоризмлар” тўплами муаллифидир. Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ва ЕХҲТ Ўзбекистондаги мувофиқлаштирувчиси ҳамкорлигида жорий йилда илк бор ўтказилган Республика сиёсатшунослари илмий конференцияси иштирокчиси. Инглиз тили бўйича халқаро IELTS тест синовида 6 баллик сертификатни қўлга киритган. Илмий мақолалари республика ва халқаро нашрларда чоп этилган. Ҳозирги кунда “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатини амалга оширишда дипломатиянинг янги йўналишларидан фойдаланиш масаласи (Парламент ва рақамли дипломатия мисолида)” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**9. Юсупова Раушан Едилбековна**
*(Бизнес ва бошқарув мутахассисликлари бўйича)*

1992 йил 16 февралда Қорақалпоғистон Республикаси, Қонликўл туманида туғилган. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар бўйича) факультети 2-босқич магистранти. Рус ва инглиз тилларида сўзлашади. “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиқ имтиёзларининг аҳамияти”, “Қисқа ва узоқ муддатли кредит ва қарзларни ҳисобга олишнинг хусусиятлари”, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида банк кредитлари аудитининг аҳамияти” каби ўнга яқин илмий мақолалар муаллифи. Жорий йилда Нур-Султон шаҳрида бўлиб ўтган “V Global science and innovations 2019: Central Asia (V Глобал фан ва инновациялар — 2019: Марказий Осиё)” халқаро илмий-амалий конференцияси иштирокчиси. Айни пайтда “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кредит операциялари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.



**10. Тожибоев Жаҳонгир Илхомович**
*(Ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий фанлар мутахассисликлари бўйича)*



1989 йил 5 июнда Наманган вилояти, Норин туманида туғилган. Наманган давлат университети Ўзбекистон тарихи мутахассислиги 2-босқич магистранти. Наманган шаҳридаги 2-сонли давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатида тарих фанидан ўриндошлик асосида дарс беради. Ўндан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. Инглиз тили бўйича халқаро IELTS тест синовида 7.5 баллик сертификатни қўлга киритган. 2017/2018 ўқув йилида “Йилнинг энг яхши ўқитувчиси” кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби. Ҳозирги пайтда “Туркистонда ҳарбий асирлар: муаммо ва ечимлар” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**11. Орипов Ҳасан Абдиваҳобович**
*(Педагогика мутахассисликлари бўйича)*



1993 йил 18 октябрда Самарқанд шаҳрида туғилган. Самарқанд давлат университети ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси (Маънавият асослари) мутахассислиги 2-босқич магистранти. 2016 йили Ўзбекистон Республикаси бакалаврлари учун таъсис этилган Навоий номидаги давлат стипендиясини қўлга киритган, 20 га яқин илмий мақолалар муаллифи. Ҳозирги кунда “Ижтимоий тармоқларда глобал инқирозларнинг чуқурлашув тенденциялари ва шахс информацион маданиятига таъсири” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 45 955 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.35 1 2 3 4 5 6